

**Муминов Н.Г.**

ЎзМУ "Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси мудири., и.ф.н., доцент.

**Умаров Ж.Т.**

ЎзМУ тадқиқотчиси.

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ БҮЙИЧА ТҮЛОВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Иқтисодиётни модернизациялаш даврида иқтисодий харажатлар самарадорлигини бюджет ташкилотларининг коммунал хизматлари бүйича түловларни амалга оширишда ғазначилик тизимини жорий этиши орқали такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бюджет маблағларини сарфланишида ғазначилик тизимининг иштироки маълум бир тартиб-қоидаларга асосланган ҳолда амалга оширилади.*

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидағи молиявий мажбуриятлари уларга товар (иш, хизмат)лар етказиб берилгандигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, иш ҳаки ва унга тенглаштирилган харажатларни ҳисоблаш ведомостлари асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ<sup>1</sup> бюджетдан маблағ олувчиларни давлат бюджетидан харажатларнинг тўрт гурӯҳи бўйича молиялаштириш тартиби белгиланган: I гурӯҳ харажатлари. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оиласарга нафақалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар); II гурӯҳ харажатлари. Иш ҳақига қўшимчалар (ягона ижтимоий тўлов); III гурӯҳ харажатлари. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатларга мувофиқ амалга оширилади); IV гурӯҳ харажатлари. Бошқа харажатлар

(озиқ-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар ва бошқа харажатлар).

Тегишли бюджет бўйича I ва II гурӯҳ харажатлари тўлови учун ғазна ҳисобварақларида зарур маблағларни қоплайдиган қолдиқлар мавжуд бўлганда, I ва II гурӯҳ харажатларини тўлиқ амалга оширган ташкилотлар бўйича IV гурӯҳ харажатларини амалга оширишга рухсат этилади.

IV гурӯҳ "Бошқа харажатлар" бўйича маблағларнинг сарфланиши ўрнатилган лимитлар доирасида қўйидаги навбатга риоя қилган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Ғазна Ҳисобварағида овқатлантириш ва дори-дармон харажатлари бўйича тўланмаган маблағлардан ошиқча маблағлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу ошган маблағлар доирасида коммунал хизматлар бўйича харажатларни амалга оширишга рухсат этилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тұғрисида»ги қарори.

Коммунал хизмат харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар коммунал хизмат кўрсатувчиларнинг ҳисобварак-фактуралари ёки тасдиқловчи бошقا ҳужжатлар, шу жумладан, аванс тўловларини ўтказиши лозимлигини тасдиқдовчи бошقا ҳужжатлар асосида қабул килинади.

Фазначилик бўлинмаси, бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари асосида, ғазна ҳисобваракларидан коммунал хизматлар бўйича, харажатларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг, харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида назарда тутилган ва ажратилган, бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг коммунал хизматлар бўйича харажатлари тўлови, тўлов топшириқномалари билан "...бюджетдан маблағ олувчиларнинг коммунал хизмат харажатларининг тегишли моддалари бўйича, бюджет маблағлари қолдиқлари суммалари доирасида"<sup>1</sup> амалга оширилади.

**Электр энергия харажатлари тўловини амалга ошириш тартиби.** Бюджет ташкилотларида электр энергия истеъмоли тўловини амалга ошириш Фазначилик тизимида икки хил тартибда амалга оширилади:

1. Сув хўжалиги тизимидағи бюджет ташкилотлари электр энергия тўлови;
2. Бошقا бюджет ташкилотлари электр энергия тўлови.

Сув хўжалиги тизимидағи бюджет ташкилотларининг электр энергиясидан фойдаланилганлик учун харажатлари тўлови Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига<sup>2</sup> асосан амалга оширилади ва тартибга солинади. Ушбу қарорга мувофиқ 2008 йилнинг 1 январидан қўйидаги тартиб ўрнатилиб, унга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон бўйруғига Илова "Давлат бюджетининг ғазна ижроси" Қоидалари

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.11.2007 йилдаги № ПҚ-723 сонли «Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиласиган электр энергия учун тўловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

- давлат бюджетининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги учун назарда тутиладиган харажатларида сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиласиган электр энергия тўловлари учун алоҳида сатр билан маблағ ажратилади;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига ва унинг худудий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг худудий сув хўжалиги ташкилотлари учун шахсий ҳисобвараклар очилган;


- худудий сув хўжалиги ташкилотларининг харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланганидан, ҳамда Молия вазирлигига белгилangan тартибда рўйхатга олинганидан сўнг, Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмаларининг ягона маълумотлар базасида қайд этилади;

- сув хўжалиги ташкилоти билан энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган харажатлар сметаси доирасида тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг худудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилади;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиласиган электр энергия учун тўловлар уларнинг шахсий ҳисобваракларидан Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг худудий бўлинмалари орқали "Ўзбекэнерго" ДАКнинг маҳсус банк ҳисобваракига ўтказилади;

- Фазначиликнинг худудий бўлинмалари ҳисоблагиҷ асбоблар кўрсаткичлари билан тасдиқланган электр энергиясини истеъмол қилишнинг физик ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар билан сув хўжалиги ташкилоти ва энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган шартномалар, ҳисобварак-фактуралар, шунингдек ўзаро ҳисоб-китобларни қиёслаб текшириш ҳужжатлари асосида истеъмол қилинган электр энергия тўловларини амалга оширилади;

**Схема 1. Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан электр энергия истеъмоли тўловларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида амалга ошириш йўналишлари<sup>1</sup>**



риш учун электрон тўлов ҳужжатларини шакллантиради.

- Бунда қиёслаб текшириш ҳужжатлари Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий сув хўжалиги тузилмалари ҳамда Молия вазирлиги ғазначилиги бошқармаларининг биринчи раҳбарлари томонидан биргаликда тасдиқланади.

Бюджет ташкилотлари билан таъминотчи корхоналар ўртасида ҳисобкитобларни амалга оширишда айrim муммиллар, ҳужжатларни тақдим этиш тартиби қийинчиликларга дуч келинарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Қарори айнан мазкур муоммоларни ҳал қилишга асос бўлди. Қарорнинг иловасида Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан электр энергия истеъмоли тўловларини Ўзбекистон Ре-

спубликаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида амалга ошириш йўналишлари ва тартиби белгилаб берилди. Мазкур тартиб қуйидаги 1 схемада акс эттирилган.

Схемага асосан сув хўжалиги ташкилотлари томонидан электр энергия истеъмоли тўловларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида амалга ошириш нинг қуйидаги тартиб белгиланган:

1. Молия вазирлиги ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган харажатлар сметасини Молия вазирлиги ғазначилиги бўлинмаларига тақдим этади.
2. Тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида сув хўжалиги ташкилотлари ва "Ўзбекэнерго" ДАК бўлинмалари ўртасида электр энергия етказиб бериш бўйича шартномаларни тузиш.
3. Сув хўжалиги ташкилотлари шартномани рўйхатдан ўтқазиш учун тегишли ғазначилик бўлинмаларига тақдим этиш.
4. "Ўзбекэнерго" ДАК бўлинмалари сув хўжалиги ташкилотларига етказил-иктисод ва молия / экономика и финансы № 10, 2011

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.11.2007 йилдаги № ПҚ-723 сонли «Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиласидаган электр энергия учун тўловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига илова

ган электр энергия миқдори ва суммаси бўйича тўланиши лозим бўлган ҳисобфактурани тақдим этиш.

5. Сув хўжалиги ташкилоти счётфактурани тегишли худудий ғазначилик бўлинмаларига тақдим этади.

6. Худудий ғазначилик бўлинмалари счёт-фактурани текширади ва электр энергия тўлови учун маълумотларни Молия вазирлиги ғазначилигининг ягона маълумотлар баъзасига киритадилар.

7. Молия вазирлиги ғазначилиги электрэнергия учун тўловни "Ўзбекэнерго" ДАКнинг банкдаги маҳсус ҳисобрақамига ўтказилади.

8. Худудий ғазначилик бўлинмалари сув хўжалиги ташкилотларига истемол қилинган электр энергия учун тўлов ҳақидаги тўлов топшириқномаси нусхаси ва кўчирмани тақдим этади.

9. "Ўзбекэнерго" ДАК ўз қарамоғидаги корхоналарга мос равишда сув хўжалиги ташкилотлари истемол қилган электрэнергия учун ҳақиқатда тушган воситалар бўйича маълумотларни етказади.<sup>1</sup>

Сув хўжалиги ташкилотлари истемол қилинган энергияси учун тўловларини қуидаги тартибда амалга оширадилар:

- Электр энергия бўйича тузилган шартномалар белгиланган тартибда худудий ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилади (Харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида)

- Шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизи микдорида аванс тўловини (кредитор қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолатда) амалга оширади.

- Ҳисбот ойининг кейинги ойининг бошига (биринчи санасига) қиёслаб текшириш ҳужжатлари З нусхада (солиштирма далолатномалар, ҳисоб варақалар) тузилади ҳамда тегишли тартибда ғазначилик томонидан текширилиб имзоланади.

- Ушбу солиштирма далолатномада кредитор қарздорликлар истеъмол килинган электр энергияни тўланган

аванс суммаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланадилар.

- Аниқланган кредитор қарздорликлар бўйича, якуний ҳисобкитоблар ҳисбот ойининг кейинги 30 кунидан ҳамда белгиланган лимитлардан ошиб кетмаган ҳолда, тўловлари амалга оширилади.

Сув хўжаликларининг электр энергия бўйича истемоли амалга оширилгандан сўнг истеъмоли бўйича қиёслаб текшириш ҳужжатлари яъни солиштирма далолатномалар тузилади ва тегишли ғазначилик бўлинмалари тақдим этилади. Солиштирма далолатнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007 -сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғига Илова "Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари"га асосан тузилади. Солиштирма далолатнома Қоракалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги худудий сув хўжалиги тузилмалари ҳамда Молия вазирлиги ғазначилиги бошқармаларининг раҳбарлари томонидан биргаликда тасдиқланади.

Бошқа турдаги бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар бўйича электр энергияси ҳисоб-китобини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори** билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га мувофиқ худудий электр тармоқлари корхонаси билан электр қурилмаси бевосита худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоқларига уланган истеъмолчилар ўртасида тузилган электр таъминоти шартномаси асосида амалга оширилади. Бунда сув-хўжаликлари ташкилотлари электр энергия истеъмоли тўловлари оширишидан фарқли жиҳати ғазначилик бўлинмалари томонидан ўзаро солиштирма далолатномаларни тасдиқлаш талаб этилмайди. Лекин, тўлов тизими худди юқорида айтиб ўтилганидек аванс тўловларини амалга оширилиб, тегишли ҳисбот ойи микдорий ҳажмлари (кв/соат) аниқланган ва ҳисобварақалар рас-

1 "Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами"  
2007 й., №45, 452 бет

мийлаштирилгандан сўнг якуний ҳисоб китоблар амалга оширилади.

**Табиий газ харажатлари тўловини амалга ошириш.** Табиий газ истемоли бўйича ҳам тўловларни амалга ошириш тартиби белгиланган бўлиб, у Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 132-сон қарорига асосан тасдиқланган "Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ўзаро ҳисоб китобларни амалга оширади. Ушбу низомга мувофиқ бюджет ташкилотлари истемол қилинган табиий газ бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида:

□ Бюджет ташкилоти ҳисоб-китоб ойи бошланишидан камида 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган истеъмол қилинадиган ойлик газ ҳажми қийматининг камида 15 фоизи учун олдиндан ҳақ тўлаши шарт.

□ Олинган газ учун бюджет ташкилотлари ҳисоб-китоб ойи тугагандан кейин 30 кун ўтгунгача узил-кесил ҳисоб-китоб қиласилар.

□ Ҳисоб-китоб ойи учун етказиб берилган газ ҳажми ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари асосида аниқланади ва ҳисоб-китоб ойи тамом бўлишидан олдин 5 кун мобайнида бюджет ташкилоти ва худудий газ билан таъминловчи корхона ўртасидаги газни қабул қилиш-бериш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

□ Газни қабул қилиш-бериш далолатномаси билан расмийлаштирилгандан сўнг тегишли тартибда ҳисобварақ-фактура газ таъминоти ташкилоти томонидан тўловларни амалга ошириш учун тақдим этилади.<sup>1</sup> Тартибга амал қилишлари шарт.

Табиий газ тўлови электр энергия тўлови каби амалга оширилади, бунда тақдим этилган ҳисоб варақ-фактура реквизитлари тузилган шартномадаги реквизитларга мослиги ҳамда тўлов суммаси-

нинг ойлик лимитлар тақсимотидан ошиб кетмаслиги назорат қилинади.

**Иссиқлик энергияси ва иссиқ сув харажатлари тўловини амалга ошириш.** Иссиқлик энергияси тўловлари тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарорига асосан тасдиқланган "Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш Қоидалари"га мувофиқ амалга оширилади.

Иссиқлик энергияси тизими тўловларини амалга ошириш даврий аҳамият касб этганлиги сабабли, ушбу харажат турига тасдиқланган харажатлар сметасида чораклик лимитлар кузги-қишики мавсумларга мос равища қўйилади.

Бюджетдан маблағ олувчиликнинг иссиқлик энергияси бўйича харажатлари тўлови - тўлов топшириқномалари билан юқорида айтиб ўтилган умумий талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Бунда Иссиқлик энергияси учун олдиндан тўлов 30% микдорида амалга оширилади.

**Совуқ сув ва оқава сув харажатлари тўловини амалга ошириш.** Бюджетдан маблағ олувчиликнинг совуқ сув ва оқава сув харажатлари тўлови тўлов топшириқномалари билан юқорида айтиб ўтилган умумий талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Бунда совуқ сув ва оқава сув учун олдиндан тўлов Аддия Вазирлигидан 16 сентябр 2007 йил рўйхатдан ўтган тартибга асосан 15% микдорида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари совуқ сув харажатларининг микдорий ҳажмини аниқлаш учун сув таъминоти ташкилоти ходими билан биргаликда сув ҳисоблагичларнинг кўрсаткичлари бўйича далолатнома тузади ва шунга асосан ҳисоб варақ-фактура тузилади.

Ушбу харажат тури тўловини амалга ошириш умумий талаблар асосида олдиндан тўловлар амалга оширилиб, якуний ҳисоб-китоблар ҳисобот ойининг кейинги 30 куни мобайнида амалга оширилади. Ушбу ҳолатда асосиз равища бюджет ташкилоти томонидан коммунал хизмат тўлови муддати ўтказиб юборилган ҳолда

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 132-сон қарорига асосан тасдиқланган "Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида"ги НИЗОМи

қонунчилиқда назарда тутилған ҳолатлар бүйічә жавобгар ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан коммунал хизматлари бүйічә түловларни

ўз вақтида белгиланған тартибда тұланиб бориши коммунал хизматлар күрсатувчи корхона ва ташкилоттарнинг барқарор ривожланиши ва күрсатилаётган хизматлар сифатини яхшиланишига олиб келади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.11.2007 йилдаги № ПҚ-723 сонли «Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун түловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби-ни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майда-ги 132-сон қарорига асосан тасдиқланган "Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида"ги Низоми
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазири-нинг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғига Илова "Давлат бюджетининг фазна ижроси" Қоидалари
5. Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами 2007 й., №45.